



ЧЕКЛОВЛАРГА (САНКЦИЯ) РИОЯ ЭТИЛИШИДАГИ СИЁСАТИМИЗ

АҚШ Молия вазирлигининг ҳорижий активларни назорат этиш бўйича бошқармаси (OFAC) миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсат мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ айрим ҳорижий ҳукумат, шахс, гуруҳ ва компанияларга нисбатан АҚШ томонидан жорий этилган иқтисодий ва савдо чекловлари бўйича дастурларини амалга оширилишини ва бажарилишини таъминлайди.

Сиёсатимиз

АҚШда рўйхатга олинб, унинг юрисдикцияси доирасига кирувчи компания сифатида, шунингдек, бошқа давлатларда АҚШ билан бизнес олиб борувчи компаниялар, шахслар ва Америка маҳсулотлари ва хизматларидан фойдаланувчи, ўзига бўйсинувчи шўъба корхоналарига эгалик қилган ҳолда биз зарур талабларга риоя этиш маданиятига амал қиламиз.

Чекловларга амал қилиш учун биз хатарларни баҳолашга асосланган ёндашувни қўллаймиз. Биз томонимиздан чекловларга риоя этиш бўйича Дастур ишлаб чиқилиб, жорий этилган ҳамда мунтазам равишда янгиланиб боради. У бизнинг фаолиятимиз ва иш юритадиган бозорларимизга шунингдек, бизнинг хатарлар профилига таъсир этувчи омилларга татбиқ этилган.

Биз мазкур дастурни қўллаб-қувватлашни ўз зиммамизга оламиз ҳамда ички аудит ва мувофиқлик хизматимиз томонидан унга риоя этилиши бўйича вазифаларни муносиб амалга оширилишида лозим бўлган манба ва қўмақларни тақдим этиб борамиз.

Бизнинг дастуримиз хушёрлик ва эҳтиёткорликни, шунингдек OFAC чекловларига амал қилинмаган ҳолатда компания ва унинг манфаатдор томонларига қандай оқибатлар олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди

Мазкур мажбуриятлар доирасида чекловларга риоя этилиши бўйича хизмат ва раҳбарият гуруҳлари орасида тўғридан тўғри ҳисобот тақдим этиш ва мунтазам равишда амалий учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган.

Чекловларга риоя этилиши бўйича Дастурни самарали ижроси борасидаги якуний жавобгарлик бизнинг раҳбарият гуруҳларимиз зиммасига юклатилган.

Ўрганиш ва мониторинг

Биз томонимиздан яққол хатарларни аниқлаш, таҳлил ва уларни бартараф этиш учун услубият ишлаб чиқилган. Биз OFAC рўйхатига тушган шахслар, томонлар ёки мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишни олдини олиш мақсадида мунтазам равишда қайси соҳада бу рўй бериши мумкин эканлиги борасидаги хатарларга баҳо бериб борамиз. Мисол учун, биз мижозлар, пудратчиларимизни, етказиб бериш занжирларини, воситачиларни, контрагентларни, айниқса тўлов тизимини синчиклаб ўрганамиз.

АҚШ томонидан киритилаётган иқтисодий ва савдо чекловларини ўсиб боришини инобатга олган ҳолда биз OFAC да чоп этилаётган ўзгаришларни, барча чеклов рўйхатларини доимо мониторинг этиб борамиз. Шунингдек, бизнинг бизнесимизга ёки ҳудудимизга алоқаси бўлиши мумкин бўлган, бизнинг хатарлар профилига таъсир этувчи барча чеклов рўйхатлари, янги, кўриб чиқилган ва янгиланаётган чеклов дастурлари ва таъқиқлар ҳам юқоридагиларга қўшимча равишда ўрганиб борилади.

Ички бошқарув воситалари

OFAC чекловлари билан боғлиқ бўлган хатарларни баҳолаш натижаларини ҳисобга олиш учун биз турли пул ўтказиш амалиёт ва фаолиятларига у томонидан таъқиқ қўйилиши мумкин бўлган маълумотларни аниқ ва самарали аниқлаш ва раҳбариятга маълум қилишни таъминлайдиган ички бошқарув воситаларини жорий этдик. Мазкур воситаларнинг сарадорлигини тасдиқлаш учун оралиқ ички аудити ўтказилади.

Ўқитиш

Чекловларга риоя этишдаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш доирасида OFAC билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича бизнинг ўқув дастуримиз ишчи-ходимларимизни, айниқса молия ва шартномалар билан ишлайдиган хизматчиларимизни, шунингдек, асосий учинчи томонларни, яъни йирик пудратчиларимиз ва қўшма корхоналар бўйича ҳамкорларимизни етарли маълумот ва йўриқномалар билан таъминлашига интиламиз.